

Шеърият, ҳеч шубҳасиз, Аллоҳ таолонинг инсониятга берган улуг неъматлардан биридир. У чексиз уммонга, балки, бепоён уфққа ўхшайди. Унинг зеболиги, таъсири ва кўламини кайдлаш кийин. Бинобарин, унинг асослари, назарияси хақида ҳам жуда узок басхлар олиб бориш мумкин. Аммо мен хозир мухтарам ўқувчи билан ўзим анчадан бери ўйлаб юрган айрим мулохазаларни ўртоқлашмоқчиман, холос. Ўйламанки, бу кўпчилик учун фойдадан холи бўлмаса керак.

Маълумки, «назм» ва «шеър» сўзлари одатда маънодош сўзлар шаклида кўлланилаверади. Аммо «хар бир сўз кайсидир даражада ўзига хос маънога эга» деган коидадан келиб чиқиб ёндошиладиган бўлса, бу икки сўзнинг орасида фарқ бўлиши ойдинлашади. Хўш, назм билан шеърнинг орасида нима фарқ бор?

Хар икки сўз ҳам арабча сўзлар бўлиб, араб тилида ҳам ўзбек тилидаги маъноларда ишлатилади. «Назм» калимаси аслида «териш», «маълум тартибга келтириш», «интизомга солиш» маъноларини билдиради. Шундан келиб чиқиб, маълум вазнга ва қолипга солинган гапларни назм дейилади. «Шеър» эса «шуъур» сўзидан олинган бўлиб, «хис-туйғу», «туйиш», «шуур» маъноларини ифода этади. Шунга кўра, инсоннинг хиссиёти, эҳтирос ва хаяжонини ўзида мужассам этган, бадиий тасвир билан йўғирилган, кишининг тафаккурига, хис-туйғусига таъсир қилиб, уни хаяжонга соладиган гапларни «шеър» дейилади. Ушбу таъриф лугат жихатидан тўғри бўлса-да, адабий истилоҳда мазкур сифатларга эга бўлиш билан бирга, назмга солинган гапларни «шеър» дейиш одат бўлган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, хар қандай шеърни назм деса бўлади, аммо хар қандай назм шеър бўла олмайди. Масалан, тажвид ёки тил коидаларини маълум вазнга солинган гаплар билан ифода қилинса, бу назм бўлади, шеър бўлмайди. Чунки унда хис-туйғуга тегишли гаплар йўқ. Бундай назмлар исломий адабиётлар ичида жуда ҳам кўп. Фикх, ҳадис, кироат ва бошқа турли илмларга бағишланган катта-кичик назмий рисоаларни санаб адогига етиш кийин. Аммо уларни шеър эмас, назм дейиш тўғри бўлади ва бундай асарларни ёзган муаллиф «нозим» дейилади, «шоир» дейилмайди. Шоир гапаларни маълум вазнга, қолипга солиш билан бирга, уларнинг ичига ўзининг хис-туйғуларини, қарашларини ҳам жойлай оладиган, оддий гапларни бадиий бўёк билан безай оладиган шахсдир. Шоир гоҳида хаёлот уфқларида парвоз қилиб, ўқувчини ҳам ўзга оламлар сайрига чорлайди. У сўзларининг хақиқий маъноларидан ўтиб, мажозий маъноларини очишга ҳаракат қилади. Агар шеър деб айтилаётган нарсада вазн ҳам бўлмаса, хис-хаяжон ва бадиият ҳам бўлмаса, у оддий гап бўлади, шеър дейишга арзимайди.

Шеър ёзиш учун кишидан табиий қобилият бўлиши билан бирга, шеърини адабиётларни кўпроқ ўқиш талаб қилинади. Ана шунда шоирда сўз бойлиги, бадиий тасвир қобилияти ортади. Хазрат Навоийнинг даврларида шоирга ўттиз минг – 20 минг ўтмишдаги, 10 минг замона шоирларига тегишли байтларни ёд олиши шарт қилинган ҳам бежиз эмас. Кимдир «Биз шоирлик даъво қилаётганимиз йўқ, шунчаки хавасқормиз», дейиши ҳам мумкин. Биз айтамызки, аввало шеър дейишга муносиб бўлмаган нарсани шеър дейиш адабиётга, умуман ўқувчиларга ҳурматсизлик ҳисобланди. Колаверса, киши хар бир нарсани қилишда унинг илмини билиб олса, ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам яхши бўлади. Масалан, уй солмоқчи бўлган кишининг «томи ёпик, атрофи девор бўлса бўлди-да» қабилда иш қўриши қайдаю, муҳандислик асосларига кўра уй курса қайда?! Қанчадир сатр қоралаш учун ҳам меҳнат қиласиз, бунинг учун қуч, вақт сарфлайсиз.

Агар шуни озгина билим асосида килсангиз, худди шу меҳнат билан фойдалирок ва баколирок нарса такдим килишингиз мумкин. Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам: «Албатта Аллох бирингиз иш килганида уни пухта килишини ёктиради», дея бежиз айтмаганлар.

Юкоридаги фикрлар шеърнинг ташки ва ички биносига тегишли бўлиб, бу маънода хар ким ўз икtidори ва имкониятига кўра иш кўраверади. Аммо масаланинг асосий томони бор. У хам бўлса, шеърнинг мазмун-моҳияти ва гоёсига тегишли меъёрдир. Агар мен шеърий танлов эълон килганимда, ушбу меъёрни асосий шарт килиб кўйган бўлардим. Чунки бу илохий шартдир, куръоний шартдир. Аллох тало Куръони Каримда Шуъаро сурасида шундай марҳамат килади:

«Ва шоирларга гумрохлар эргашади. Уларнинг хар водийда дайдишларини ва ўзлари килмайдиган ишларни айтишлариини кўрмадинги? Факат, иймон келтириб, солих амалларни килганлар, Аллохни кўп зикр этганлар ва мазлум бўлганларидан кейин нусрат қозонганлар мустасно. Зулм килганлар эса, тезда қайси қайтишда қайтишларини билурлар». (224-227-оятлар).

Ушбу оятда одатда кўп шоирлар одамларнинг бошини айлантириб, беҳудадан беҳуда уларнинг вақтларини зое килиб, онгларини булгашлари баралла айтилмоқда. Бу барча замонларда ўз тасдиқини топиб келаётган очик ҳақиқатдир. Аммо оятда бу манзара умумий бўлмай, маълум сифатларга эга шоирлар бундан мустасно эканлари алоҳида таъкидланмоқда. Ўзини билган хар бир шоир мана шу хислатлар асосида ижод қилишга интилиши керак. Хўш, улар нималар экан?

1. Иймон-ихлосли бўлиш ва шунга тарғиб қилиш. Ҳа, Аллохга иймони йўқ кишидан яхшилик чиқиши қийин. Бинобарин, у кишиларни яхшиликка етала олмайди. Тўғри, айрим яхши, эзгу фикрларни айтиши мумкиндир. Аммо иймон асосида бўлмагандан кейин, биридамас, бирида тойилиши ва бошқаларни хам тўғри йўлдан оздириши турган гап. Бундай шоирларнинг одатда фойдасидан зиёни кўп бўлади. Шу боис, Исломда шоирдан аввало иймонли бўлиши ва ўз ижодини шу асосда олиб бориши талаб қилинади.

2. Амали солих қилиш. Бунга солих, яхши амалларга тарғиб қилиш хам қиради. Демак, шоир мазаммат қилинган шоирларга ўхшаб қолмаслик учун аввало ўзи яхши амалларда собит бўлсин. Шу билан бирга, ўз шеърларида эзгу амалларни мадҳ этсин, кишиларни шунга қизиқтирсин. Ахлоқсизликка олиб борадиган, кишиларнинг хирсини, шахватини кўзийдиган сеги-муҳаббатларни қуйлаб, ўзини хам, бошқаларни хам бахтсиз қилмасин. Бегона аёллар ёки эркакларга муҳаббат изҳор қилиб шеър битиш мутлақо тўғри эмас. Бу нарса айниқса ёшларни ахлоқсизликка, шахватпарасликка, охир бориб, зинога олиб бориши, тубанлаштириб юбориши, ҳаётга жиддий бокмайдиган ҳаёлпараст қилиб қўйиши тажрибалардан хам маълум.

3. Аллохни кўп зикр қилиш. Ҳа, шоир шеър ёзишда Аллохни эсласин, максади хам Аллохнинг розилиғи, инсонларга Аллохни эслатиш бўлсин, шеърида хам Аллохни кўп зикр қилсин. Ана шунда у илхом берган Аллохнинг ҳаққини адо этиши мумкин. Аммо Аллохни қўйиб, қандайдир маъшуқаларнинг мактови, казо-казоларнинг мадҳига бағишлаб шеър битиш нонқўрлик бўлади, тубанлик сари еталайди.

4. Галаба учун курашиш. Душмандан устун келиш, Ватаннинг, мусулмонларнинг ҳимоясига бағишлаб шеър ёзиш хам мактовга сазовор ва ўринли ишдир.

Исломда хар бир нарсага ўз баҳоси берилади ва бор ҳақиқат баралла айтилаверади. Жимжимдор, ясама сўзлар динимизга ёт. Шу билан бирга, Исломда инсоннинг барча қобилиятлари эътиборга олинади ва уларни тўғри йўлга йўналтирилади, ўз холига

ташлаб кўйилмайди. Ушбу биз ўрганган оятлар мана шу хакикатни ўзида акс эттирган оятлар сарасига киради. Ушбу оят нозил бўлганида шоир саҳобалар бироз саросимага ҳам тушишган ва масаланинг ечимини бевосита Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг ўзларидан сўрашга азм килишган.

Имом Ахмад ибн Ханбал Абдурроҳман ибн Каъбдан, у киши ўз отасидан ривоят килишича, у киши Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг хузурларига келиб: «Аллох таоло шоирлар хакида ҳукмини нозил этиб кўйдими?!» деганида, Расули акрам соллаллоху алайхи васаллам: «Албатта, мўмин киши киличи ва тили билан жиход килади. Менинг жоним кўлида бўлган зотга касамки, сизнинг уларга отадиган ўқингиз камон ўқидан ҳам ўткиррокдир», деган эканлар».

Ҳа, адабиёт ҳам икки тигли кескир курулга ўхшайди, уни яхшиликка ишлатиш ҳам, ёмонликка ишлатиш ҳам мумкин. Факат, унинг харақати инсоннинг жисмига эмас, руҳига, онгига каратилган. Мусулмон киши эса бунёдкор бўлади, вайронкор бўлмайди. Мусулмон бу дуню охират жавобгарлигини мулоҳаза килиб иш кўради.

Ислолда мазкур асослар билан йўғирилган шеърият доимо ардоқланган. Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам жохилият шоирларининг шеърларидан айрим хикматли сўзларни маъқуллаб, мактаганлар ва айрим саҳобаларни шеър айтишга ундаган холатлари ҳам бўлган. Саҳобаи киромларнинг ичида шоирлари ва шеър ёд олганлари ҳам кўп бўлган. Бир катор мужтахид уламоларимизнинг девонлари ҳам бор. Буюк тобеин, шоир Хилал ибн Ахмад Фароҳидий Аллох таолдан ўзига ҳеч кимга берилмаган ва инсониятга абадул-абад хизмат киладиган бир илм беришини сўраб дуо килганида, унга аруз илми илхом килингани накл килинади. Аммо буларнинг барчаси мазкур оятдаги шартларга асосланган эди.

Мумтоз адабиётимизга назар соладиган бўлсак, уларнинг ҳам ушбу кўрсатмалар билан йўғирилганини кўрамиз. Улар асрлар оша кишиларни иймон-ибодатга, ҳалол-покликка, одоб-ахлоқка ундаб келди, динмиз таълимотларини кенг оммага етказишда катта хисса кўшди. Дин таъкибга учраган пайтларда диний тушунчаларни саклашга хизмат килди. Афсуски, кейинги даврларда дин ва диний билимлардан узоклашиш натижасида, бу борада ҳам тўғри йўлдан огиш пайдо бўлди. Шоирларнинг ичида маддохлик, беҳуда хаёлпараслик, ишқу шахват тарғиботи авж олиб кетди. Натижа нима бўлгани ҳаммамизга маълум. Кувонарлиси, динимизга кайтиш баробарида асл адабиётимизга интилиш ҳам ортиб бормокда. Бир катор шоирларимизнинг ислоний тушунчалар асосида, ўзликни англаш тўғрисида ёзган шеърлари ҳам фикримизнинг далилдир. Хаваскор шоирларимиз ҳам бу борада анча-мунча иш килиб кўйдилар. Интернетдаги ижтимоий тармоқларда ўзбек тилидаги ислоний шеърларга аталган махсус саҳифа очилиши ҳам шу йўлда кўйилган яхши кадамлардан бири бўлди.

Хулоса килиб айтганда, сўзнинг инсонга, жамиятга таъсири катта. Бундан эзгулик йўлида, такво-ибодат йўлида унумли фойдаланиш керак, аксинча йўл тутишдан сакланиш лозим. Зотан, шу сўз туфайли одамалар бир-бирларига дўст-душман бўлади. Биргина сўз бутун бошли давлатлар ўратасида ҳамкорликка ҳам, аёвсиз урушларга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Кишиларни яхшиликка ундашда ҳам, ёмонликка чорлашда ҳам шу сўздан фойдаланилади. Бугунги ахборот юришларининг ҳам асосий курули шу сўз экани ҳеч кимга сир эмас. Зеро, Хазрат Навоий таъкидланларидек, Аллох Ўзи бутун борликни

биргина «Бўл!» деган сўз билан яратган. Сўзга бу қувватни У Зотнинг Ўзи берган. Шеър эса ана ўша сўзнинг тиги кайралиб, сайкалланган шаклидир.

Хасанхон Яхё Абдулмажид